

Ishonch

2019 йил 31 март • якшанба • № 43 (4172)

Ўзбекистон қасаба уюмлари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАЛАРИ ОДАМЛАРНИНГ ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧНИ ИМУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 29-30 март кунлари Бухоро вилоятида бўлди

Давлатимиз раҳбари вилоятга аввалги ташрифи чоғида барча соҳаларни ривожлантириш бўйича кенг қўлмали вазифаларни белгилаб берган эди. Ушбу топшириқлар ижроси юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Янги уй-жойлар, sanoat корхоналари, ижтимоий объектлар бунёд этилди. Маҳаллийлаштириш даражаси ва экспорт ҳажми ошди. Транспорт ва сервис инфратузилмаси ривожланиб, сайёҳлар оқими кўпайди. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаган имкониятлар ишга солинди.

Президентимиз вилоятга бу галги ташрифини Абдуҳалиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишишдан ишлари билан танишишдан бошлади.

Абдуҳалиқ Ғиждувоний 1103 йили Ғиждувон шаҳрида таваллуд топган. Аллома ислом оламида машҳур тасаввуф намояниси Юсуф Ҳамадонийдан таълим олган. Бухоро заминидан етишиб чиққан «Етти пир»нинг биринчиси ҳисобланган аллома мангу ором топган маскан бугунги кунда табаррук зиёратгоҳга айлантирилган.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили 16 февраль кунини вилоятга ташрифи чоғида Абдуҳалиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Ориф Ревгарий, Али Ромитаний, Бобойи Самосий, Маҳмуд Фаънавий, Сайид Амир Қуллол меъморий мажмуаларини ўз ичига олган «Етти пир» зиёратгоҳини замон талаблари даражасида реконструкция қилиш ва уларни боғловчи янги сайёҳлик йўналиши ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Шунга мувофиқ, «Етти пир» зиёратгоҳларида кенг қўлмали бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Абдуҳалиқ Ғиждувоний мажмуасида янги масжид ва ёғзи айвон, ҳазира ёдгорлиги ва зиёратгоҳ қошида меҳмонхона қурилмоқда, мажмуа атрофи ободонлаштирилмоқда.

Абдуҳалиқ Ғиждувоний мақбараси зиёрат этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Президентимиз мақбаранда амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишларини кўздан кечирди. Бу ерга имом-хатибларни жалб этиб, уларга алломаларимиз маънавий меросини чуқур ўргатиш, халқимизга етказиш бўйича топшириқлар берди.

Китобда ўқиш бошқа, зиёрат қилиб, юракдан ўтказиб ўрганиш бошқа. Бу жой маърифат маркази бўлиши, одамлар ўзига илм олиб кетиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда «Етти пир» зиёратгоҳларида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари ҳақида маълумот берилди. Мазкур мақбаралардаги бунёдкорлик ишлари улғу алломаларимиз меросини жаҳонга кенг тарғиб этиш ва бу ерга келувчилар учун барча қўлайликларни яратиш мақсадида ягона концепция асосида олиб борилмоқда. Барча зиёратгоҳлар атрофи ўралиб, таҳоратхона, масжид, музей, меҳмонхона, чойхона, автомобиллар тўхташ жойлари, эсдалик буюмлар ва китоб савдо расталари барпо этилмоқда, ҳудуди тўлиқ ободонлаштирилмоқда.

Энг муҳими, Президентимиз ғояси асосида «Етти пир» мажмуаларини зиёрат қилиш битта йўналишдан бошланади. Яъни вилоятга ҳаво, темир йўл ва автомобиль транспортида келган сайёҳлар зиёратни Хожа Абдуҳалиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуасидан бошлайди.

Давлатимиз раҳбари бу масканларни обод қилиш билан бирга, «Етти пир» ҳақида китоб яратиш, уларнинг илмий меросини тарғиб этиш зарурлигини таъкидлади.

Бундай маънавий ҳазина бошқа ҳеч қаерда йўқ. Бу ҳазинани мукамал ўрганиш, одамларга, ёшларга осон тилда етказиш керак. Мақсади-миз ёшларимиз ўзимизнинг алломаларга эргашсин, меросини билсин, улар билан фахрлансин, деди Президентимиз.

Мамлакатимизда маърифий исломини ривожлантириш, буюқ алломалар мақбараларини обод қилишга қаратилган эътибор халқаро миқёсда тан олинмоқда. Хусусан, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ISESCO томонидан Бухоро шаҳри 2020 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди.

Президентимиз бу санага юксак даражада тайёргарлик кўриш, унинг доирасидаги тадбирларни Абдуҳалиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллиги ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллиги билан ҳамроҳ нишонлаш, халқаро илмий



конференция ўтказиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз 2017 йили Бухоро вилоятга ташрифи чоғида Ғиждувон туманидаги собиқ ип-йигирув фабрикасининг бўш турган ишлаб чиқариш майдонларидан унумли фойдаланиш, Ғиждувон эркин иқтисодий зонасини ушбу ҳудудда жойлаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берган эди.

«Парвоз Хумо Равнақ Транс» масъулияти чекланган жамияти томонидан собиқ фабриканинг 9 гектардан зиёд майдонида қисқа муддатда йирик лойиҳа – ип-йигирув корхонаси ташкил этилди.

Умумий қиймати 27 миллион АҚШ доллари бўлган фабрика учун Ипотека банк филиалидан ажратилган кредит эвазига Германия, Туркия, Швейцария, Япония ва Ҳиндистондан замонавий ускуналар харид қилинди. Масъулияти чекланган жамият ўз маблағи ҳисобидан бино ва иншоотларни қайта қуриб, реконструкция қилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур ип-йигирув ва тўқув корхонасини бориб кўрди.

Жорий йил январда ишга туширилган корхона йилига 9400 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш, 5 миллион долларлик экспорт қилиш қувватига эга. Халқаро андозаларга мос сифатли маҳсулот ички бозорга ва хорижий буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Қарийб 33 миллиард сўмлик ип-калага сотилиб, 1,1 миллион долларлик маҳсулот Россия, Туркия, Польша ва Молдовага экспорт қилинди. Айни пайтда корхона Туркияда савдо уйи ташкил этиб, маҳсулот экспорти бўйича хорижий шериклар билан музокаралар олиб бормоқда.

Бу лойиҳанинг биринчи босқичи бўлиб, иккинчи босқичда ишлаб чиқариш қуввати янада кенгайтирилиши, экспорт йилига 51 миллион долларга, иш ўринлари 1 минг 250 тага етказилиши режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев корхонада ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Яқинда АҚШ Ўзбекистон пахтасини сотиб олишга таққини бекор қилганини, бу мамлакатимиз пахта етиштирувчиларининг Америк бозорига тўлақонли киришига, хорижий нуфузли компаниялар билан бизнес алоқаларни кенгайтири-

шига йўл очиб берганини таъкидлади.

Эндиги навбат – пахтаимзн чуқур қайта ишлаб, қўшимча қийматли маҳсулотлар экспортини янада ошириш чораларини кўришимиз зарур, деди Президентимиз.

Шу ерда Бухоро вилоятининг sanoat салоҳиятини оширишга қаратилган лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди.

Вилоятда 2019-2020 йилларда sanoat соҳасида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши паст туманлар салоҳиятини ошириш, тўқимачилик ва тўқув-трикотаж, қурилиш материаллари, тиббий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, юртимизнинг Хитой, Индонезия ва Исроилдаги элчихоналари билан инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш, инфратузилмани ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Уларга мувофиқ, вилоятда пахта, мева-сабзавот, тери, жун ва кимё маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш, sanoat салоҳиятини 3 баробар ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш режалаштирилган.



Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги қўшма баёнот матнини эълон қилди.

Баҳромжон Норқобилов Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси лавозимига тасдиқланди.

2019 йилнинг 1 апрель кунини Европа иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Питер Буриан ва Афғонистон бўйича махсус вакили Роланд Қобиа бошчилигидаги ЕИ делегацияси Ўзбекистонга келади.

Ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов Тошкент шаҳрида мамлакатимизда шахсий ташриф билан бўлиб турган Кувайт давлати бош вазирининг биринчи ўринбосари, Мудофаа вазири Шайх Носир Сабоҳ ал-Аҳмад ас-Сабоҳ билан учрашди.

Ориф Бозоров Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов Қозғистон Республикаси фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Дархан Сатибалдини қабул қилди.

Тошкентда 29 март кунини Ўзбекистон – Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳамкорлигининг жорий ҳолати ва истиқболларига бағишланган халқаро давра суҳбати ўтказилди.

Миллий гвардия тезкор ҳаракатланувчи бўлинмаларини юқори жанговар шайлик ҳолатига келтириш мақсадида Тошкент шаҳри аэропортида аксилтеррор операцияси, шунингдек, тактик ўқув машғулотини бўлиб ўтди.

Чимкент-Тошкент йўли бўйлаб веломарафон бўлиб ўтди. Унда 250 нафарга яқин қозғистонлик ва ўзбекистонлик велосипедчилар Қозғистоннинг Чимкент шаҳридан Тошкентдаги Қозғистон элчихонасига қадар бўлган 130 километрлик масофани босиб ўтди.

Мамлакатимизнинг «Ягона умумреспублика процессинг маркази» МЧЖ қўшма корхонаси ва Россиянинг «Мир» Миллий тўлов карталари тизими ўртасида келишув имзоланди.



Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси ташаббуси билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан илк бор ташкил этилган мусобақада МДҲга аъзо давлатлар: Россия, Беларусь, Украина, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Ўзбекистондан иккита жамоа ғолиблик учун баҳс олиб боришди.

Қарийб бир ҳафта давомида дўстона руҳдаги қизгин ва мurosасиз ўйинлар бўлиб ўтди. Кунини кеча мусобақанинг 3-ўрини учун майдонга тушган Қозғистон ва Беларусь терма жамоалари ўйини асосий вақти дуранг (2:2) билан якунланди. Пенальтилар сериясида эса омад Қозғистон терма жамоасига кулиб боқди. Финалда тўп сурган Ўзбекистон-1 ҳамда Тожикистон терма жамоалари ўйинини ФИФА рефериси Равшан Эртамов бошчилигидаги

КУБОК ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЛДИ!

ПОЙТАХТИМИЗДА 25-30 МАРТ КУНЛАРИ ФУТБОЛ БЎЙИЧА ШИФОКОРЛАР ЎРТАСИДА «DOCTORS COMMUNITY CUP – TASHKENT-2019» ХАЛҚАРО ТУРНИРИ ЎТКАЗИЛДИ.

ҳакамлар гуруҳи бошқарди. Шиддатли ва мurosасиз кечган ўйинда Ўзбекистон-1 жамоаси рақиб дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритиб, якунда чемпионликни тантана қилди (4:0).

Мазкур халқаро турнирни кузатиб борган Гийом Гассенд (Жаҳон тиббиёт ходимлари ўртасидаги олимпиада ўйинлари – «Medigames» халқаро ташкилоти бош менежери) ҳам мусобақа савиясини юқори баҳолаб, алоҳида эътироф этди.

Мамлакатимиз шифокорларидан тузилган футбол жамоаси бир неча йилдан бери мазкур соҳа вакиллари ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатларида муваффақиятли қатнашиб келмоқда, дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳод Хананияев. – «Doctors Community Cup – Tashkent – 2019»

халқаро турнирида муносиб иштирок этиш учун терма жамоанинг таркиби қайта шакллантирилди. Муносиб номзодларни саралаш мақсадида мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган тўрт босқичли мусобақа ва ўқув-машғулот йиғинларида 300 нафарга яқин шифокор орасидан 26 нафар энг кучли ҳаваскор футболчи саралаб олинди. Гувоҳи бўлганингиздек, жамоа биз кутган натижани кўрсата олди.

Тадбир доирасида «Тиббиёт ва спортда инновациялар» мавзусидаги илмий-амалий семинари, иштирокчи жамоалар аъзоларининг Самарқанд ва Тошкент шаҳарларига саёҳати ҳам ташкил этилиб, бу ўзаро таъриҳа алмашиш ва мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини намойиш этиш имконини яратди.

Зиёдбек ИСМОИЛОВ, «Ishonch»



ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАЛАРИ ОДАМЛАРНИНГ ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 29-30 март кунлари Бухоро вилоятида бўлди

41

Давлатимиз раҳбари саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш, янги иш ўринларини кўпайтириш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берди.

Вобкент туманида 136 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Туманда ўтган йили бир қатор кичик бизнес субъектлари иш бошлади. «Ekvatorial chodak group» корхонаси – шулардан бири.

Корхонани ташкил этишда Миллий банкнинг 3 миллион доллар кредити ҳамда лойиҳа ташаббускорларнинг 2 миллион доллар маблағи сарфланди.

Корхонага Япония, Италия, Туркия ва Хитойдан турли операцияларни бажара оладиган ва ишни конвейер асосида ташкил этиш имконини берадиган 500 дан зиёд замонавий тикув машинаси ҳамда дастохлар келтирилиб ўрнатилган. Йилига 1 миллион 500 минг донагача жинси шим ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Айни кунда корхонада 500 нафарга яқин хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Ишчиларнинг самарали меҳнат қилиши учун барча шароит яратилган. Ошихона фаолияти ва олдидан катнаб ишловчилар учун транспорт хизмати йўлга қўйилган.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархи кўп омилларга, жумладан, барча технология жараён корхонанинг ўзида бажарилишига ҳам боғлиқ. Корхонада кийим-кечакни бўяш ва қайта ишлов бериш цехи ташкил этилган. Қолаверса, цехда вилоятдаги турдош корхоналарга шартнома асосида уларнинг маҳсулотларини бўяш ҳамда хизмат кўрсатиш ҳисобига қўшимча фойда олинади. Яқинда иш бошлаган пойабзал цехи Италиянинг замонавий ускуналари билан жиҳозланган. Йилига бозорга 600 минг жуфт маҳсулот етказиб беради. Лойиҳа қуввати тўла ўзлаштирилган, ишчи-мутахассислар сони қарийб мингтага етди.

Давлатимиз раҳбари ишлаб чиқариш жараёнини, маҳсулотлар сифатини кўздан кечирди, ишчилар билан мулоқот қилди. Иқтисодий соҳадаги барча чора-тадбирлардан мақсад халқимизни рози қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш эканини таъкидлади.

Шу ерда келгусида корхона фаолиятини янада кенгайтириш, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.



Президентимиз Бухоро туманидаги «Бухоро-агро» эркин иқтисодий зонасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 10 июлдаги қарорига мувофиқ вилоятнинг бешта туманида «Бухоро-агро» эркин иқтисодий зонаси ташкил этилган. Уларда гидропоник иссиқхоналар барпо этиш орқали экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мўлжалланган.

Эркин иқтисодий зона учун 3 минг гектар ер ажратилган. Жорий йилда 598 гектар ерда 98 та лойиҳа амалга оширилди. Улар доирасида энергия тежамкор иссиқхоналар ташкил этилиб, маҳсулотларни сақлаш ва қаддоқлаш учун экологик тоза қутилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, 4 минг 300 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Кўшни давлатларга 64 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Шу ернинг ўзида «Agro Trade» мева-сабзавотчилик кластерини ташкил этиш, «Бухоро Варнет» хорижий корхонаси, «Banoaz Textil», «Rus Trade» масъулияти чекланган жамиятлари томонидан

иссиқхона барпо этиш лойиҳалари тақдимотлари ҳам ўтказилди. Хусусан, «Бухоро Варнет» хорижий корхонаси томонидан 115 гектар майдонда замонавий иссиқхона қуриш режалаштирилган. Бир гектар ерда 300 тоннадан 560 тоннагача помидор етиштирилади, 2 мингга яқин иш ўрни яратилади. Жорий йилда 30 гектарлик иссиқхоналар қуриш кўзда тутилган. Бу борадаги ишлар бошлаб юборилган. Туркиядан ускуналар келтирилмоқда. Корхона 2019-2021 йилларда босқичма-босқич ишга туширилади.

Тадбиркорлар – Ўзбекистоннинг таянчи. Ҳаракат қилган барака топади. Тадбиркорлик ривожланса, кўпга одам ишли бўлади, даромад олади, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари Бухоро вилоятида ўзлаштирилмаган ерлар кўлиги, хориж тажрибаси ва технологияси асосида улардан фойдаланиб, бозорбоп маҳсулотлар етиштиришни йўлга қўйиш кераклигини таъкидлади. Мутасаддилар ва хорижлик инвесторлар билан суҳбатлашиб, зарур кўрсатма ва тавсиялар берди.

Шавкат Мирзиёев Ромитан туманидаги «VCT Cluster» хорижий корхонаси фаолияти билан танишди.

Қишлоқ хўжалигида кластер тизимини ривожлантириш борасидаги ишлар доирасида мазкур корхона учун 8 минг гектар ер ажратилган эди. 3 мингдан зиёд киши иш билан таъминланиб, пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Биргина 2018 йилда 20 минг тоннадан зиёд хомашё етиштирилиб, уни қайта ишлаш натижасида 61,5 миллион долларлик даромад олинди.

Этиборлиси, корхонага дастлаб қарийб 75 миллион доллар инвестиция йўналтирилган эди. Яъни сарфланган маблағ бир йилдаёқ ўзини деярли оқлади.

Яна бир жиҳати: шунча пахта тола сифатида сотилганда 1,5 миллион доллар бўларди. Қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида сотилганда 50 миллион ёки 6 баробар кўп қўшимча қиймат яратилган.

Мана, кластер қандай бўлиши керак. Тадбиркорда маънафатдорлик туйғуси, янгича дунёқараш бўлса, албатта, натижага эришади. Иқтисодиёт ишласа, ижтимоий соҳаларимиз «тортади». Кластер элга маънафат келтиради, одамларни иш билан, даромад билан таъминлайди. Энг катта мақсадимиз ҳам

ташқиқ этиш, ихчам иссиқхоналар қуриш кўзда тутилган. Бундан ташқари, 2 минг 500 дан ортиқ хонадонга куён, парранда, насли қорамол етказиб берилди.

Давлатимиз раҳбари томорқадан самарали фойдаланишга оид режаларга алоҳида эътибор қаратиб, аҳолига амалий кўмак бериш зарурлигини, бу озиқ-овқат маҳсулотлари мўл-кўлиги ва арзонлиги, бозорларда нарх-наво барқарор бўлишида муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

Ташрифнинг иккинчи кунини Президентимиз Бухоро шаҳрида вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтган йиғилишда вилоят фаоллари, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, нуронийлар, ёш тадбиркорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатида улкан ислохотлар амалга оширилаётгани, унинг натижалари ҳар бир соҳада сезилиб, одамлар эртани кунга ишонч билан қараётганини таъкидлади.

Барча ишларимиз, режаларимиз Ўзбекистон халқининг манфаати учун. Бу ҳудудларда, ҳар бир кўчада, одамлар ҳаётида намоён бўлиши учун куйи бўғинда сифат, билим, фидойилик юқори бўлиши керак. Қарсақлар, баландтаровоз гапларга чек қўйиб, ҳар бир хонадон, шахс билан манзилли, алоҳида-алоҳида ишлаш зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари сингари Бухоро вилоятини ҳам жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли даромадларини ошириш ва ҳаётини яхшилаш ишларига устувор эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Моддий кўмак, тизим бўлмаса, натижа бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир қарорни моддий манбалари билан қабул қилишимиз. Бухорога ҳам катта тайёргарлик билан келдик, деди Президент.

2019-2020 йилларда вилоятда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида умумий қиймати қарийб 25 триллион 353 миллиард сўм бўлган 625 та инвестиция лойиҳаси дастури ишлаб чиқилгани таъкидланди. Бу салкам 30 минг доимий иш ўрни яратишни таъминлайди.

Йиғилишда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

Бухоро вилояти туризм соҳасида катта салоҳиятга эга. 2021 йилгача хорижий сайёҳлар сонини 2 баробар кўпайтириш, туризм хизматлари тушумини 350 миллион долларга етказиш режалаштирилган.


Президент Шавкат Мирзиёев бу масалага алоҳида тўхталиб, тегишли вазифаларни белгилаб берди. Бунинг учун, аввало, замонавий меҳмонхоналар барпо этиш, транспорт инфратузилмасини яхшилаш зарурлигини таъкидлади.

Жорий йилда Бухоро шаҳридаги «Бухоро-палас», «Варахша» ва «Зарафшон» меҳмонхоналари реконструкция қилиниб, 32 та янги меҳмонхона, 9 та мотель ва 50 та меҳмон уйлари фойдаланишга топширилади. Натижада меҳмон ўрни 7 мингга етиб, туристларни қабул қилиш имконияти қарийб 2 баробар кўпаяди.

Ғиждувон – Когон йўналишидаги 122 километр йўлни таъмирлаш, «Етти пир» зиёратгоҳлари ўртасида қулай ва замонавий транспорт қатновини йўлга қўйиш, халқаро ҳалол стандартини кенг жорий этиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари авиақатновлар сонини ошириш, Самарқанд, Хива, Шахрисабз шаҳарлари билан автобус ва поездлар қатновини кўпайтириш орқали Бухорони «саёҳатлар чорраҳаси»га айлантириш лозимлигини таъкидлади.

Шунингдек, «Бухоро тарихи»



музейини қуриш, кўнгилочар масканлар, хунармандлар марказлари ва Бухоронинг эски шаҳар қисмида туристлар пийда сайр қиладиган йўналишлар ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда вилоятда инфратузилмани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, туманлар марказларини оқова сув хизмати билан қамраб олиш етарли даражада эмас. Халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги қарийб 5 минг километр автомобиль йўллари таъмирга муҳтож. Жорий йил Инвестиция дастурига мувофиқ сув, канализация, йўлларни қуриш ва тиклаш бўйича 100 миллион долларлик инфратузилма лойиҳалари амалга оширилади. Ушбу лойиҳалар ичимлик суви билан таъминланиш даражасини сезиларли ошириш, канализация хизматини 48 фоизга етказиш имконини беради. Таъмирталаб йўллар ҳам 35 фоиздан 31 фоизгача қисқаради.

Мамлакатимиз инфратузилмасини яхшилаш учун Осиё инвестиция ва инфратузилмалар банки ҳамда бошқа халқаро молия институтларидан жами 3,1 миллиард доллардан зиёд маблағ жалб этиш чоралари кўрилмоқда.

Ушбу маблағларнинг салмоқли қисми – 1 миллиард 300 миллион доллари фақат Бухоро вилоятида яқин 3 йилда ижтимоий, йўл ва коммунал инфратузилмани тўлиқ яхшилаш учун қўшимча равишда йўналтирилади.

Давлатимиз раҳбари бу масалада «Бухоро тажрибаси»ни яратишни тақлиф этди.

Мазкур маблағнинг 600 миллион доллари ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган 7 лойиҳа ва оқова тармоқларини тортиш бўйича 12 лойиҳа доирасида ўзлаштирилди.

Натижада қарийб 4,5 минг километрлик ичимлик суви тармоғини қуриш ва реконструкция қилиш орқали вилоятда 889 минг аҳоли ичимлик суви билан қўшимча таъминланади.

Бунда 2020 йилда – Бухоро, Вобкент, Ғиждувон, Шофиркон, 2021 йилда – Ромитан, Пешку ва Жондор, 2022 йилда – Когон шаҳри, Қоровулбозор ва Когон туманлари аҳолисига ичимлик суви етиб боради. Шунингдек, 567 километр оқова тармоғини қуриш ҳисобига яқин 3 йилда ушбу туман марказларида яшовчи 275 минг аҳоли канализация хизматлари билан тўлиқ таъминланади.

Бундан ташқари, халқаро ва давлат аҳамиятидаги 660 километр, 4 минг километр маҳаллий ва ички йўлларни қуриш ва таъмирлаш бўйича 9 та лойиҳа амалга оширилади. Бу ишларга 700 миллион доллар маблағ сарфланади.

Давлатимиз раҳбари вилоятда ташриф доирасида Когон туманидаги «Тараққиёт» маҳалла фуқаролар йиғини марказида бўлди.

Йиғин биноси янги лойиҳа асосида барпо этилган бўлиб, унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Когон тумани кенгаши фаолият юритмоқда. Бу ерда жорий этилган Аёллар ижтимоий маслаҳув маркази Оғир аҳамиятдаги қолган хотин-қизлар ва болаларга маънавий-психологик, тиббий ва ҳуқуқий кўмак кўрсатиш билан шуғулланади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси электрон базасига улганган замонавий кутубхона аҳоли, айниқса, ёшлар учун маърифат маскани вазифасини ўтамоқда. Марказ яқинида жойлашган иккита сунъий қопламали майдон ва тренажёрлар зали маҳалла болалари ва ўсмирлар-

нинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилади.

Маҳаллада мамлакатимизда энг намунали, деб топилган ва «Nexia 3» русумли автомобиль билан тақдирланган ички ишлар таянч пункти фаолият юритмоқда. Шу билан бирга, кундузги стационар ва тантаналар зали ҳам аҳоли хизматида.

Ташриф чоғида бугунги кунда Бухоро вилоятида 35 мингдан зиёд аёл иш билан таъминланмагани, хотин-қизлар жиноятчилиги сақланиб қолаётгани кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз бу ҳолат миллий менталитетимизга ётлиги, буюқ тарих ва юксак салоҳиятга эга бўлган Бухорога мураккаб ярашмаслигини таъкидлади.

Жорий йил охиригача аёлларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш, уларни иш билан таъминлаш, жиноят содир этмаслиги учун зарур чораларни кўриб, Бухоро вилоятининг хотин-қизлар билан боғлиқ барча масалалар бўйича энг намунали ҳудудга айлантиришимиз керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Бунинг учун Хотин-қизлар кўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, маҳалла ва ички ишлар органлари биргалликда ишлаши, ҳар бир аёл билан суҳбатлашиб, муаммоси бўлса, керакли ёрдам бериши зарурлигини таъкидлади.

Кўлаб муаммоларга, аёлнинг жиноятга қўлуришига ажралишлар сабаб бўлаётгани, уларнинг олдини олиш учун ёшларнинг, ота-оналарнинг масъулиятини ошириш, бу борадаги қонунийликни такомиллаштириш кераклиги қайд этилди.

Президентимиз Бухоро шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, кўп қаватли уйлар қурилиши, «Buhkara city» лойиҳаси билан танишди.

Вилоятнинг туризм салоҳиятини янада ошириш мақсадида маҳаллий ва хорижий сайёҳларга энг замонавий қулайликлар яратиш, сервис хизматини яхшилаш борасида салмоқли ишлар бажарилмоқда. Бухоро шаҳрида «Мустақкам қурилиш девелопмент» масъулияти чекланган жамияти барпо этиётган «Shopping Center» савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси шундай лойиҳалардан.

Ўзбекистонда ягона бўлган ушбу мажмуа 90 минг квадрат метр майдонни эгаллайди. Савдо дўконлари, маиший хизмат уйлари, кинотеатрлар, фаст-фудлар, болалар ўйин майдончалари, нотариал идора, банк шохобчалари жойлашадиган ушбу тўрт қаватли мажмуа сайёҳларга шаҳарнинг битта нуқтасида барча хизматларни жамлаган ҳолда кўрсатиш имконини беради. Бу ерда бир ярим мингдан зиёд савдо дўкони жойлашганининг ўзи унинг нечоғли беназир эканидан далолатдир.

Марказ сузурида кутубхона, 7 минг машина сифадиган автомобиль тўхташ жойлари барпо этилади, уларда бепул хизмат йўлга қўйилади. Ертўла қисмида жойлашадиган эко-бозорда бир пайтнинг ўзида 9 минг харидорга хизмат кўрсатиш мумкин бўлади. Мажмуа ҳудудининг катталигини ҳисобга олиб, мижозлар учун автоқарлар ташкил этилади. Барпо этиладиган фавворалар ҳудудга салқинлик ва тароват бахш этади.

Бугунги кунда қурилишда 1 минг 370 ишчи меҳнат қилмоқда. Мажмуа фойдаланишга топширилгач, 6 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Лойиҳанинг умумий қиймати 285 миллиард сўм бўлиб, шундан 185 миллиард сўми «Мустақкам қурилиш девелопмент» МЧЖга тегишли, 58 миллиард сўми банк кредити, 5 миллион доллари хорижий инвестициядан иборатдир. Ўзига хос сайёҳлик масканига айла-

надиган ушбу савдо-кўнгилочар мажмуа Бухоро шаҳрининг туризм салоҳиятини янада кенгайтиради. Бу ерда йилга 1,2 триллион сўмлик савдо ва маиший хизматлар кўрсатилади.

Президентимизга Ҳофиз Таниш Бухорий кўчасида қурилиш режалаштирилган «Karvon home market» савдо мажмуаси ва Бухоро қурилиш моллари эко-бозори ҳақида ҳам маълумот берилди. Ушбу савдо мажмуалари ҳам туристларнинг шаҳарда қолиш вақтини узайтириши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ушбу йирик объектларни ўз мuddатига сифатли қилиб қуриш, уларда намунали хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Туркиянинг меъморлик, реставрация ва лойиҳа менежменти соҳасида етакчи «Studio Vertebra» компанияси билан биргалликда Бухоро шаҳрида 56 гектар майдонда «Buhkara city» замонавий уй-жой ва ишбилармонлар марказини барпо этиш концепцияси, бош режаси ва объектларни жойлаштириш харитаси ишлаб чиқилди.

Бош режага мувофиқ ушбу ҳудудда турар жойлар, офис бинолари ва конференц-заллар, ижтимоий объектлар, шунингдек, беш юлдузли меҳмонхона, савдо ва бизнес марказлари, парklar барпо этилиши режалаштирилган.

Лойиҳани икки босқичда амалга ошириш мўлжалланган. Биринчи босқичда турар жойлар, офислар, ижтимоий соҳа объектлари, иккинчи босқичда Ислам маркази ва жомеъ масжиди қурилади. Ушбу масканлар 2500 йиллик тарих ва улкан маънавий меросга эга Бухоро шаҳрининг маданиятини тарғиб этишга хизмат қилади.

Икки йилда барпо этилиши кўзда тутилётган «Buhkara city» мамлакатимизнинг ирриқ илм-маърифат ва ишбилармонлик маркази бўлади. Шавкат Мирзиёев туркиялик мутахассислар билан замонавий марказнинг имкониятлари, бу ерда яратиладиган шароитлар ҳақида суҳбатлашди. Лойиҳани такомиллаштириш юзасидан зарур кўрсатмалар берди.

Шу ерда Бухоро шаҳрининг Бош режаси асосида амалга оширилаётган ишлар, жумладан, унинг марказини реновация қилиш, магистрал кўча ва хиёбонлар, кўп қаватли турар жойлар барпо этиш, муҳандислик коммуникацияларини такомиллаштириш лойиҳаларини тақдимоти ўтказилди.

Бухоро шаҳрида 2019-2020 йилларда 232 та кўп қаватли уй, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари, инфратузилма объектлари қуриш бўйича жадал ишлар бошланган. Бугунги кунда уйларнинг асосий қисми Ислам Каримов, Ибн Сино, Газли шох кўчалари, Пиридастгир, Алпомис каби марказий кўчаларда барпо этилмоқда. Шу билан бирга, эски, пасткам бинолар ўрнида миллий меъморлик услубида жаҳон андозаларига мос кўп қаватли уй-жойлар қуриш режалаштирилган. Ушбу бунёдкорликлар, шунингдек, Шахрисабз бозоридида қурилиш-реконструкция ишлари Бухоро шаҳри қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда.

Давлатимиз раҳбари шаҳар аҳолиси ва меҳмонларга қўшимча қулайликлар яратиш, бунинг учун замонавий инфратузилмани такомиллаштириш, шаҳарини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича мутасаддиларга зарур кўрсатмалар берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Матназар ЭЛМУРDOV,
Умар АСРОРОВ,
Эркин ЁДГОРОВ,
ЎЗА махсус муҳаббатлари



Наманган вилояти

Юз минглаб инсонларнинг се-
вимли маскани ҳисобланмиш
«Косонсой» сиҳатгоҳида Нав-
рўз тантаналари ўзгача тадориқ
билан ўтказилди. Даставвал,
жисмоний кучлар беллашув та-
розисига қўйилган бўлса, сўнгра
сўзга чечанлик, охирида пазан-
далиқда тенгсизлик намойиш
этилди. Шу сабабли сиҳатгоҳ
ходимлари-ю дам олувчилар
бирдек иштирок этган даврада
шод-у хуррамлик дастурхонда
файз, куй-қўшиқларда ўзгача
жозибача ҳукм сурди.


Спорнинг волейбол, арқон тор-
тиш, югуриш, шашка турлари-
даги баҳсларда ғолиб Калонова.
Бир жамоага эсдалик совғалари тақ-
дим этилди.

Бугун волейбол баҳсларида ғо-
либликни қўлга киритдик, – дейди ош-
хона бўлимидан Мафтуна Калонова.
– Гап совғада эмас, ўзлимизни намоеън
эта олганимизда!

Дарҳақиқат, жисмонан тетик,
чиникқан одамнинг ишида унум
бўлади, – дея сўхбатимизга қўшилади
«Косонсой санаторийси» МЧЖ ди-
ректори Абдуллоҳон Қаландаров.
– Шунинг учун ҳам сиҳатгоҳимизда на-



Тадбир



Навоий вилояти

Муҳим ҳужжат муҳокамаси

Жамоа шартномаси — кор-
хонада иш берувчи би-
лан ходимлар ўртасидаги
меҳнатга оид, ижтимо-
ий-иқтисодий ва касбга оид
муносабатларни тартибга
солувчи норматив ҳужжат-
дир. Жамоат ташкилотлари-
дан фақат касабга уюшмала-
ригина меҳнатқашларнинг
вакили сифатида иш бе-
рувчилар билан ҳамжиҳат-
ликда меҳнат аҳлини ҳимоя
қилади.

А йни вақтда касабга уюшма-
лари жамиятнинг ажралмас
қисми ҳамда кенг қамровли
жамоат бирлашмаси сифатида
меҳнатқашларнинг ижтимо-
ий-иқтисодий манфаатларини
қўллаб-қувватлаш борасида дав-
латнинг энг янги ҳамкори ҳамдир.
Касабга уюшмаларнинг иш беру-
вчилар ва ишчи-ходимлар иштиро-
кида ўтказилган йиғилишларда
жамоа шартномаларининг ўтган
йил давомида бажарилиши муҳо-
кама қилиниб, ҳар иккала тараф-
нинг (иш берувчи-касбага уюш-
маси) умумий йиғилиш юзасидан
ҳисоботлари эшитилмоқда.

Унда меҳнатқашларнинг ижтимо-
ий-иқтисодий манфаатлари,
меҳнат муҳофазаси, иш ҳақининг
ўз вақтида тўланиши, ўзлари ва
фарзандларининг маданий дам
олишларининг таъминланганлиги,
ҳар бир ходим унинг иш жойидаги
меҳнат шaroитларига қўйилади-
ган меъёрий талабларнинг бажари-
лиши, шунингдек, меҳнат ва
дам олиш тартиблари, имтиёзлар
ва компенсация тўловларига қан-
дай амал қилинаётганлиги тўғри-
сида фикр-мулоҳазалар билди-
рилди.

Музокаралар натижаси бўйича
тегишли қарорлар қабул қилинди.
Маълумот ўрнида айтиб ўтиш
жонзки, бугунги кунга қадар 4865
та корхона, ташкилот, муассаса
ва бошқа ҳўжалик субъектларида
умумий йиғилишлар ўтказилди.

Олим БОБОМУРDOV,
Навоий вилояти касабга уюшма
ташкилотлари бирлашмаси
Меҳнатқашларнинг
ижтимоий-иқтисодий
манфаатларини ҳимоя қилиш
бўлими мутахассиси

Чарчоқлар ёзилган лаҳзалар

фақат даволанувчилар, балки ходим-
лар учун ҳам жамоавий гимнастика
ташкиллаштиришга, ўзаро спорт бел-
лашувларини ўтказишга катта эъти-
бор қаратиб келмоқдамиз. Элга хиз-
мат қилувчи одамнинг жисми тоб-
ланса, чарчоқ нималанини унутади.
Чарчоғи ариган кишининг эса кай-
фияти юқори бўлади. Бу ерда ҳордиқ
чиқарганлар ҳаммаша ходимларимиз-
нинг чиройли табассуми ва хуш муо-

маласидан кўнгли тўлиб қайтишади.
Наврўзни гўзал қилгувчи, шубҳа-
сиз, қадимий ўлан ва алёрларимиз-
дир. Сиҳатгоҳ қошида ташкил этил-
ган бадий ҳаваскорлар жамоаси ўз
чиқишлари билан йиғилганлар кўн-
глини хушуд этди.

– Бу кунларнинг ўз гашти бор, –
дейди андижонлик 103 ёшли Хайри-
нисо момо Отабоева. – Биз кўрган
кунларда Оллоҳнинг неъматларини бу

тарзда чиройли пишириш қайда эди
дейсиз? Ердан кўкарган ўт-ўланники
еб жон сақлаган дамларимиз бўлган.
Урушни ҳам, унинг ортидан қаҳат-
чиликни ҳам кўрдик. Тирик жон қо-
либ, сумалакни душман деганлар ҳам
бўлди. Бугун, мана шундай дорилла-
мон кунларда ўша дамлар машаққа-
тини унуттишимиз учун барча қулай-
ликлар яратилмоқда. «Косонсой»да
бир неча йилдан бери уруш ва меҳнат

фахрийси сифатида дам олиб кетаман.
«Қайси санаторийни танлайсиз?» де-
ган саволга ҳар доим «Ўзимнинг сана-
торийим-да!» деб жавоб бераман. Бу
ердагилар ҳам оила аъзоларимдек бў-
либ қолишган. Шунинг учун бу йилги
Наврўзни бирга нишонлашга аҳд қил-
дим. Илоҳим, кейинги йилларга ҳам
эсон-омонликда етайлик!

Биз ҳам икки аср юзини кўрган
момонинг ниятлари ижобат бўлишини
тиладиқ: байрамларимиз кўп, аҳил
элимизнинг гўзал анъаналари боқий
бўлсин!

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch»



Сурхондарё вилояти

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

Термиз шаҳрида бўлиб ўтган
фуқаролар йиғинлари раис-
лари (оқсоқоллари) ва улар-
нинг маслаҳатчилари сайло-
вини ўтказишга бағишлан-
ган семинарда Олий Мажлис
аъзолари, халқ депутатлари
Сурхондарё вилояти Кенга-
шининг фуқаролар йиғин-
лари раислари (оқсоқол-
лари) ва уларнинг маслаҳат-
чилари сайловини ўтказишга
кўмаклашувчи комиссияси ва
ишчи гуруҳлар, «Маҳалла»
хайрия жамоат фонди вилоят
бўлими бошқаруви вакил-
лари иштирок этди.

Маҳалланинг етакчиси ким?

Мамакатимизда фуқаролик
жамиятини шакллантириш
ва ривожлантириш борисида
маҳалла институтининг аҳамияти
тобора яққол кўзга ташланмоқда.
Фуқароларимизнинг миллий қадри-
ятларимизга асосланган ўз-ўзини
бошқаришдек бу ноёб тизими бугун
давлат ҳокимияти органлари вако-
латидаги бир қатор вазифаларни
муваффақият билан бажариб кел-
моқда.

Семинар қатнашчилари жами-
ятимиз ҳаётидаги ислохотлар аҳа-
миятини таъкидлаш баробарида
йўтуқларни янада мустақамлаш,
сайлов давомида маҳалла раислиги
ва унинг маслаҳатчилари лавози-
мига бугун юртимизда амалга оши-
риладиган улкан ўзгаришлар ва ис-
лохотларни теран идрок этадиган,
одамларни изидан эргаштира ола-
диган билимли, ташаббускор ном-
зодларни сайлаш хусусида фикр
юритишди.

Вилоятимизда 717 та маҳалла
фуқаролар йиғинлари фаолият кўр-
сатмоқда, – дейди «Маҳалла» хай-
рия жамоат фонди бошқаруви раи-
си Рўзимурод Авазов. – Фуқарола-
римиз ўз йиғинлари билан бақамти
ишлашга ўрганиб қолдилар. Бу
йиғинларнинг сайланадиган раис-
ларига янада масъулият юклайди.
Шунинг учун жойларда сайловлар-
нинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари
хусусида ҳамда сайлов ўтказишдаги
ўзгаришлар хусусида тушунтириш
ишлари ўтказишга эътибор қара-
тилмоқда.

Семинарда ишчи гуруҳларининг
вазифалари, бўлиб ўтадиган сай-
ловда ошқоралик ва холисликни таъ-
минлаш масалаларига ҳам атраф-
лича тўхтаб ўтилди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch»

Кун тартибида – муносиб меҳнат мавзуси

Тошкент шаҳар транспорт, йўл ва капи-
тал қурилиш, қурилиш индустрияси хо-
димлари бирлашган касабга уюшма қўми-
таси Транспорт, йўл ва капитал қурилиш,
қурилиш индустрияси ходимлари касабга
уюшмаси Республика кенгаши, Ўзбекистон
савдо-саноат палатаси, Халқаро Меҳнат
Ташкилоти, Ўзбекистон Иш берувчилар
Конфедерацияси ҳамкорлигида соҳа кор-
хоналарида муносиб меҳнат масалаларига
бағишланган анжуман ташкил этди.

Унда Халқаро Меҳнат Ташкилоти вакили Йо-
нас Аструп сўзга чиқиб, ижтимоий шериклик,
иш ҳақи масалаларига алоҳида тўхтади.
Муҳокама ва савол-жавоб тарзида кечган тад-
бирда халқаро ва миллий меҳнат стандартлари,
корхонада меҳнат ҳуқуқи мавзуларида ҳам сўз
борди.

– Ушбу амалий семинардан кўзланган асо-
сий мақсад тармоқда фаолият кўрсатаётган кор-
хона ва ташкилотларда ходимларга муносиб
меҳнатни ташкил этиш, уларни рағбатлантириш
ҳамда ижтимоий шерикликни янада фаоллашти-
ришдир, – дейди Тошкент шаҳар транспорт, йўл
ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси хо-



димлари бирлашган касабга уюшма қўмитаси
раиси Хусниддин Сайдалиев. – Ушбу уч жиҳат
ҳодим ва иш берувчи ўртасидаги муносабат-
ларни янада мустақамлаш, иш сифатининг ўси-
шига, меҳнат ҳуқуқи меъёрларига тўлиқ жавоб
бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Тошкент вилояти транспорт, йўл ва капитал қу-
рилиш, қурилиш индустрияси ходимлари бирлаш-
ган касабга уюшма қўмитаси ҳам шу мавзуда ама-
лий семинар ташкил этди.

ЎзКУФК ўқув марказида бўлиб ўтган тадбирда
соҳа ходимлари, спорт соҳаси ветеранлари ва
ОАВ вакиллари иштирок этди.

Амалий семинар

Давронбек ОРИПОВ,
«Ishonch»

Ички туризм

Тошкент бўйлаб саёҳат

Тошкент вилояти касабга
уюшмаси ташкилотлари
бирлашмаси Ёшлар бирлаш-
малари раислари ва ёшлар
билан ишлаш комиссиялари
раислари ҳамда ёш касабга
уюшма аъзоларидан иборат
саёҳатчилар автобусда Тош-
кент шаҳри бўйлаб саёҳат
қилди.

Амир Темури хиббони, Шаҳид-
лар майдони меъморчилик
комплексини, Минор масжиди,
Матонат ҳайкали, Зарқайнар,
Чорсу бозори, Самарқанд дарвоза,
Истиклол майдони ва Мустақил-
лик майдонлари бўйлаб сайр
саёҳатчиларда катта таассурот қол-
дирди.

– Биз вилоят ёшлари биринчи
бор бундай туристик саёҳат ишти-
рокчисимиз, – дейди Қибрай ту-
мани Тиббиёт бирлашмаси касабга
уюшмасининг Ёшлар бирлашмаси
раиси Хуршида Салимова. – Са-
ёҳат давомида янги ва эски шаҳар
кўриниши, тарихий бинолар тўғри-
сида катта маълумотга эга бўлдик.

Шаҳноза АҲМЕДОВА,
Тошкент вилояти касабга уюшма
ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар
бирлашмаси раиси

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг жорий йил 12 мартда қабул қилган
Раёсат қарори йил давомида 14 000 нафар касабга аъзоларига Хива, Самарқанд ва
Тошкент шаҳарларига саёҳат қилиш имконини беради.

Кўрмаганларимиз кўрганларимиздан кўпроқ

Ўтган ҳафтада кўхна ва навқирон Хоразм,
Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ви-
лояти ҳамда Тошкент шаҳридан ташриф бу-
юрган 220 нафар касабга аъзоларига мезбонлик
қилди.

Қарорга мувофиқ, ушбу саёҳатларни ташкил
қилишга Федерация тасарруфидаги меҳмонхо-
налар масъул. Сайёҳлар «Хorazm palas» меҳмон-
хонаси жамоаси қай даражада пухта тайёргарлик
кўрганига поезддан тушибоқ амин бўлишди. Ур-
ганч темир йўл вокзалини карнай-сурнай садо-
лари тутди. Атлас либослари ўзига ярашган қиз-
лар дастурхонда нон билан меҳмонларга пешвоз
чиқишди. Вокзал олдида уларни «Ўзбекистон бўй-
лаб саёҳат қил!» шиори битилган автобуслар ку-
тиб турарди.

Вилоятдагина эмас, мамлакатимиздаги
энг нуфузли меҳмонхоналардан бири бўлган
«Хorazm palas» эшигидан шундоқ бир хатлаб
кўришни орзу қиладиганлар қанча. Хорижлик

Ҳикмат

Меҳнат ва ҳузур-ҳаловат та-
биатан турлича бўлса ҳам, ба-
рибир улар орасида қандайдир
табиий боғлиқлик мавжуд.

ТИТ ЛИВИЙ

сайёҳлар Хоразмга келадиган бўлишса, биринчи
навбатда, шу меҳмонхонадан жой излашади.
Маҳаллий сайёҳлар ҳам бу ерда жаҳон андо-
залари даражасидаги хизматдан баҳраманд бў-
лишга иштиёқманд.

– Эътибор-у эъзоздан мамнун бўлдик, – дей-
ди Тошкент шаҳридаги 2-сон Муруват уйи хо-
дими Фарида Толипова. – Хоразмнинг ўзига хос
қирраларини кашф қилдик. Халқимизнинг қадри-
ятлари, анъаналари улугворлигига яна бир бор
амин бўлдик.

Тушлиқдан сўнг бетакрор Хива томон йўлга
чиқилди. Кун ботгунча Ичан қалъа билан тани-
шув давом этди.

– «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шиорининг
мазмун-моҳияти ниҳоятда кенг, ташкил қилинаёт-
ган бундай саёҳатлар уни англашимизда, бой ўт-
мишимиз ҳақидаги билимларимизни мустақам-
лашда муҳим аҳамиятга эга, – дейди Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлими
раҳбари Ҳаётхон Ортиқбоева. – Бугун тарихи-
мизни чуқур ўрганишга қаратилган давлат сиё-
сати буюк аждодларимиз қолдирган бой мерос
билан танишиш имконини бермоқда. Бундай са-
ёҳатларга ёшларни ҳам кўпроқ жалб қилиш мақ-
садга мувофиқ, деб ўйлайман.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касабга
уюшмаси Жомбой тумани кенгаши раиси Зул-
фия Отамуродова саёҳатга тумандаги 30 нафар
фидойи ўқитувчиларни жалб қилган. Улар ол-
ган таассуротларини ўқувчилар билан бўлиши-

шини, ўсиб келаётган авлод қалбида ватанпар-
варлик туйғуларини мустақамлашга йўналтирил-
ган давра сўхбатлари ташкил қилишни айтишди.


Сафарнинг иккинчи куни маҳаллий сайёҳлар
замонавий Урганч билан танишди. Янги барпо
этилаётган иншоотлар кўздан кечирилиб, Жало-
лиддин Мангуберди ва «Авесто» боғ-мажмуасида
шонли ўтмиш, буюк аждодлар ва муносиб авлод-
лар ҳақида сўхбатлар давом этди.

– Аждодлар қолдирган меросни нафақат
дунёга кўз-кўз қилишимиз, балки ўзимиз ҳам
яқиндан танишиб, фарзандларимизни бой
қадриятлар руҳида тарбиялашимиз керакли-
гини ҳис қилдик, – дейди Қибрай агроижорат
касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Умид Орипов.
– Бу сафар бизга кўплаб янги фикрлар, янги ғоя-
лар берди.

29 март «Хorazm palas» жамоаси учун ниҳоятда
тиғиз кечди. Иккинчи навбатдаги 110 нафар меҳ-
монни кузатиш баробарида, водий вилоятларидан
ташриф буюрган 90 нафар касабга аъзолари муно-
сиб кутиб олинди. Уларнинг саёҳатлари янада ма-
роқли кечмоқда. Чунки, биринчи кунни Отаҳий но-
мидаги вилоят театрида Жалоллиддин Мангуберди
ҳақида спектакль томошасидан бошлади. Улар-
дан кейин Бухоро ва навоийлик 120 нафар меҳ-
монларга муносиб хизмат кўрсатилиб, Хива ва Ур-
ганч жозибалари яна бир бор кўз-кўз қилинади.

– Касабга уюшмаларининг ички туризмни ри-
вожлантириш борасида амалга оширадиган чо-
ра-тадбирлари юртдошларимизнинг бўш вақтла-
рини мазмунли ташкил қилиш, маънавиятини юк-
салтириш, тарихий билимларини мустақамлаш,
бугунги ислохотлар мазмун-моҳиятини янада
теранроқ ҳис қилишда муҳим аҳамият касб эт-
моқда, – дейди «Хorazm palas» меҳмонхонаси ди-
ректори Равшан Қурбанов. – Уларга хизмат қила-
ётганимиздан, тизимда юз бераётган йўтуқларни
намоён этаётганимиздан мамнунимиз. Эшиқлари-
миз меҳмонлар учун доим очик.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА,
«Ishonch»



Хоразм вилояти



МАҲФУЗА ШЕРБОЕВА:

Аёллар ҳам кулдира олади

Суратдаги қизни танийсиз. Айримлар уни қўшиқчи деса, кўпчилик уни қизичи сифатида билади. Аслида ҳам шундай. Иланган, интилган асло кам бўлмаслигини шу қизичи қиз мисолида ҳам кўриш мумкин. У билан сўхбатлашиб, унинг бир олам орзу-мақсадлари, истаклари борлигини билиб олдик. Энг муҳими, у қизичилик санъати, қўшиқчилик ҳақида қизиқарли фикр-мулоҳазалар, қарашларга эга. Уларни баён этишдан аввал уни яқиндан таништирсак.

Демак, танишинг: Махфуза Шербоева!

— Мен Булунгур туманидаги Қиён қишлоғида туғилганман. Ёшлигимдан санъатга, хонанда бўлишга қизиқардим. Мактабни битирган йилим Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига ўқишга киролмадим. Ушанда отам «қизим, хафа бўлма, келаси йил Жиззахга, пединститутга топширақол» деди. Хўп, деб ўқишга тайёрланиб юрдим. Аммо, ич-ичимдан бир овоз «Тошкентга бор, Тошкентга топшир», деяверди. Ўқишга ҳужжатлар топшириш бошлангач, отамдан яна бир марта имкон беришини илтимос қилдим. Ота-онамининг дуосини олиб, Тошкентга келдим. Ҳужжатларимни битта ўринга 16-17 нафар абитуриент тўғри келаётган «Эстрада актёрлиги» факультетига топширдим. Имтиҳон жавоблари чиққан кунни институтга тушдан кейин борганман. Эрталабдан боришга юрагим бетламаган. Очиғи, йиқиладан кўрққанман. Одатда, абитуриентлар тест жавоблари чиққан рўйхатни тепадан пастга қараб қўриб чиқишади. Мен эса, аксинча, пастдан тепага қараб чиқдим. Қарасам, йиқилганлар сафиди ҳам, контракта илинганлар қаторида ҳам йўқман. Бюджетга кирган эканман. Тўғриси, ўшанда кўзларимга ишонмаганман. Ёнимдаги қизга ДТМ рақами ва доскадаги рўйхатни кўрсатиб, «мана шу рақам мана шуми?» дея сўраганман. Ушанда юриб эмас, учиб юрганман.

— Демак, санъат оламига «учиб кирган» экансиз-да?
— Шундай деса ҳам бўлади.
— Қизичилик қилиш қийин. Айниқса, хотин-қизларга...
— Қизичи бўламан, деб ҳечам ўйламаганман. Институтдаги тахсил давомида ҳар хил этюдлар бериларди. Менинг чиқишимдан ҳамма кулиб юборарди. Устозларим «драмани ҳам комедия қилиб юборасиз», дейишарди. Институтни тамомлагач, пойтахтда қолишни маъқул кўрдим. Отамга мақсад ва ижодий режаларимни айтгандим, отам мени тушуниб, ҳар тарафлама қўллаб-қувватлади. Ҳаттоки, қўйларни сотиб, пул берди. Мен отамдан мени тушунгани ва қўллаб-қувватлагани учун беҳад миннатдорман.

— Онангиздан-чи?
— Дуоғўйимнинг исми Ойсара. Тун-у кун худодан тилаб, сўраб дуо қилиб юради. Энг муҳими шу. Менга шу керак.

— Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар дейишади?
— Тушундим. Устозим Ортиқ Султоновдан миннатдорман. У кишидан кўп нарсаларни ўргандим ва ўрганипман. Яна бир устозим ўқитувчимиз Маъмур Умаровдан ҳам ижодий сабақлар оляпман. Раҳматли Обид Асомов ҳам ўз билим ва тажрибаларини ўргатаётган эди. Афсуски...

Обид аканинг уйда катта кутубхонаси бор эди. Қизичилик, сатира ва юморга оид ўзбек ва рус тилидаги китоблари жуда кўп экан. Бир кун уларни эринмай санаб чиқдим. Уларнинг сони 672 та экан.

— Қойил. Лекин ҳозир ҳамма санъаткорларни ҳам китобхон деб бўлмайди. Чегарадан чиқётган қизичилар, гуруҳлар ҳам йўқ эмас. Улар ҳақида фикрингиз?
— Улар ҳақида ҳеч нарса деёлмайман. Фақат ўзим ҳақимда гапиришим мумкин. Яқинда «ўт-бетда ўқсангиз, роса қотишади» деб, битта ҳажвий шеър беришди. Уни ўқиб, қайтариб бердим. Чунки шеър «яланғоч» эди. Мен томошабинлар қаторига отам ва акамни қўшиб, уларни тасаввур қилиб ижод қиламан. Билганим шуки, «яланғоч» кулгу билан халқ меҳрини қозониб бўлмайди.

— Ҳар бир санъаткорнинг ўз услуби, ўз йўналиши бўлиши керак. Шундай эмасми?
— Санъаткорнинг ўз услуби, ўз йўналиши бўлиши керак. Шундай эмасми?

— Албатта. Устозимиз раҳматли Ҳожибой Тожибоев қаерга борса, ўз чиқишида ўша жой билан боғлиқ ниманидир тилга олиб ўтар ва шу билан халқ эътиборини қозонар экан. Мен ҳам қаерга борсам, иложи борица ўша ерликлар шеvasида гапиришга, эътиборли жиҳатларини суриштириб, ўз чиқишимда уларни қистириб ўтишга ҳаракат қиламан. Яқинда Чимкент шаҳрида бўлди. Даврага чиққач, қозоқ тилида саломлашиб сўрашдим. Сўнг гап орасида «Қу-дағайлар бизни бесбармақ билан сийлади. Уларга улкен раҳмет. Мен улкен лагани аренг кўтердим. Биздаги бесбармақлар бесбармақ эмас, «ушбармақ» экен», дедим. Шунда ҳамма чапак чалиб, қийқириб олқишлашди. Хуллас, шунақа. Вазиятга, шариоитга қараб ҳам мавзу топиб кетавериш керак.

— Хорижлик қизичи аёлларнинг ижодини ҳам кузатиб борасизми?
— Ҳа кузатаман. Масалан, россиялик машҳур қизичи Юлия Степаненко ўз мухлисларига эга. Лекин мен унга тақлид қилмайман, унинг ижодидан у-бу нарса ололмайман. Чунки бу менталитетимизга тўғри келмайди. Менга қозоғистонлик қизичиларнинг ижоди ёқади. Чунки улар бизга ҳар тарафлама яқин.

— Кимлар билан ижодий ҳамкорлик қиласиз?
— Устозларим билан маслаҳатлашган ҳолда репертуаримни асосан ўзим ёзаман. Китоблар ўқийман, Интернет титқилайман, одамларни кузатаман. Баъзан айрим кишилар ўзи билиб-билмай кулгули воқеа-ҳодисаларни, мавзуларни айтиб қолади. Фақат уларни илғаш, сўнг бойитиш керак.

— Ижодий режаларингиз билан ўртоқлашсангиз?
— Режалар кўп. Худо хоҳласа, уларнинг бир қисмини апрель ойида «Халқлар дўстлиги» саройида қўйиладиган концерт-томашда намойиш этиш ниятимиз бор.

— Сизга ижодий парвозлар, улкан муваффақиятлар тилаймиз. Изланиш ва интилишдан чарчаманг.
— Раҳмат. Мени йўқлагани учун «Ishonch» газетаси тахририяти жамоасига ҳам ижодий муваффақиятлар тилайман.

Сўхбатдош:
Алжон АБДУРАҲМОНОВ
«Ishonch»

Санъат

Фарғона вилояти

Тарғибот



Қувасой шаҳрида шаҳар ҳокимлиги ва Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамкорлигида шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатувчи кутубхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Янги маърифат маскани

Ушбу кутубхонага Бирлашма кенгаши 210 номдаги 450 дона, Қувасой шаҳар ҳокимлиги, корхона, ташкилотлар раҳбарлари 240 номдаги 300 дона ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси шаҳар, туман кенгашлари раислари 80 номдаги 140 дона бадий адабиётлар совға қилишди.

Тадбирда сўзга чиққан Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Ж.Ярагов, Фарғона вилояти «Нурунийлар» жамияти раиси Т.Сотволдиев, Бирлашма кенгаши раиси Э.Нуралиев ва Қувасой шаҳар ҳокими А.Зиявитдинов мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий иш-лохотлар жараёнида китобхонлик маданиятини янада

ошириш, халқимиз, айниқса, ёшларнинг онг-у тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, уларда мутолаа маданиятини қарор топтириш борасида самарали ишлар қилинаётганини таъкидлашди. Инсон тафаккурини юксалтириш, онг-у шуурига эзгулик уруғини сочишда китобнинг ўрни беқиёс экани қайд этилди.

— Бугун юртимизда китобхонлик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Эркин Нуралиев. — Бу эзгу ишларда вилоят касаба уюшма ташкилотлари ҳам фаол иштирок этапти. Совға қилинган ушбу китоблар ёшларнинг китоб ўқишга иштиёқини ошириш билан бирга, Ватанга муҳаббат, юртва садоқат туйғуларини камол топтиришга хизмат қилади.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch»

Сурхондарё вилояти

Сурхондарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва вилоят Маданият бошқармаси ҳамкорлигида Термиз шаҳридаги 22-болалар мусиқа, санъат ва бахшичилик мактабида «Бахши-шоирлар» кўрик-танлов ўтказилди. Унда ушбу танловнинг туман босқичларида ғолиб бўлган 50 нафардан ортиқ бахши-шоир иштирок этди.

Кўрик-танлов

Бахшилар беллашуви

Беллашувни деновлик Равшан бахши Маматмуродов «Алпомиш» дostonи билан бошлаб берди. Бахшилар «Гўрўғли», «Кунтуғмиш», «Сулувхон», «Малла савдогар» каби ўнлаб дostonлардан парча айтди. Бундан ташқари, танловда «Ватан» ҳақидаги кўшиқлар, «Нима ёмон, шу ёмон», «Шунда билдим», «Меҳмондур» каби термалар мароқ билан ижро этилди. «Оҳ-воҳ тўрам», «Бой келди», «Зубайда», «Қирғизистон», «Оғажоним», «Омонниёз жўғининг сози», «Туя чўктириш» куйлари ҳам мухлислар олқишига сазовор бўлди.

— Танлов ғолибларини аниқлашда, асосан, дostonлардан айрилган парчаларнинг мазмун-моҳияти, овоз жозибаси каби йиғирмадан ортиқ талабларга амал қилинишига алоҳида эътибор бердик, — дейди бош ҳакам, Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаев.

Танлов якунига кўра, 1-ўрин деновлик Равшан бахши Маматмуродовга насиб этди.

Ғолибларга касаба уюшмалари пул мукофотлари топширилди.

Ўз мухбиримиз

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89
Миллий-маънавий кадрлар ва спорт — (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгилликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xattlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмажонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22
Андижон — (+998-99) 889-90-23
Бухоро — (+998-99) 889-90-31
Жиззах — (+998-99) 889-90-25
Наманган — (+998-99) 889-98-02
Навоний — (+998-99) 889-90-28
Самарқанд — (+998-99) 889-90-26
Сирдарё — (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё — (+998-99) 889-90-32
Фарғона — (+998-99) 889-90-24
Хоразм — (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда наъба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахририят нўқтан назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
Х. Норбоев

Мусоҳиба:
С. Шодиева

Саҳифаловчи:
Х. Абдужалилов

ЎЗА якуни — 00:05
Топширилди — 01:50

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 бесма табақ.
Бурутма Ғ — 317,
30651 нускада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133